


ШАХАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСІЙ
ГАЗЕТАСИТОШКЕНТ
ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 49 (9.393) 2000 йил 26 апрель, чоршанба



Сотувда эркин нархда

9 май — Хотира ва Қадрлаш куні

ЭНГ МУҚАДДАС ТҮЙҒУ

Бу йил мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куні умумхалқ байрами сифатида иккинчи мартаба кенг нишонланишига катта тайёргарлик қўйилди. Куні кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўшбу тadbирни пойтахтда юксак савияда ўтказиш мақсадида алоҳида тadbирлар режаси қабул қилинди.

Ундан қўзланган мақсад ҳусусида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров билан суҳбатлашдик.



— Эркин Мадиевич, ўтган йили пойтахтда Хотира ва Қадрлаш куні кўтаринки руҳда ўтказилган эди. Байрам муносабати билан фойдаланишга топширилган Мустақиллик майдонидаги марказий «Хотира майдони» ватандошларимиз ҳамда юртимизга таъриф буюрган меҳмонларнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бири бўлиб қолди. Шу маънода бу йил яқинлашиб келаётган Хотира ва Қадрлаш куні байрами муносабати билан шаҳарда кўзда тутилган тadbирлар билан яқиндан ўртоқлашсангиз.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1999 йил 2 мартдаги Фармонлари билан Хотира ва Қадрлаш куні умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Эсингизда бўлса, ўтган йили Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда Ўрта Осиёнинг муаззам Хотира майдонини очиб, аждодларимизни эслаш, улар чирогини ёқиб, эзгу ишлари давом эттириш ҳалқимизнинг азалий одатларидан бири эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтган эдилар.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган, юрт истиқболига хизмати сингган фахрийларни қадрлаш ва уларга иззат-иқром қўраш, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида шахид бўлганлар хотирасини эъзозлаш ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотининг ҳамда виждонли ҳар бир кишининг маънавий бурчи ҳисобланади. Шу маънода Хотира ва Қадрлаш куні гоёт кенг ва теран маънога эга.

Республикамизда, жумладан пойтахтда улғу ота-боболаримиз, аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш юзасидан олиб борилаётган кенг қўламли ишлар давом этмоқда. Бу йилги ана шундай улкан бунёдкорлик ишларимиздан бири, сўзсиз Юнусовда тумани ҳудудидagi Бўсув канали қирғоги бўйида барпо этилаётган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасидир. Ўшбу мажмуанинг биринчи навбати яқин вақт ичида тантанали равишда очилиши кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг куні кеча қабул қилинган Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тadbирлар режасига мувофиқ пойтахтимиздаги барча иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, ноғиронлар ҳамда Ватан озодлиги йўлида қўрбон бўлганлар оиласидан хабар олинади. Туманларда, маҳаллаларда, барча турдаги ўқув юртиларида, маданият ва маънавият муассасаларида, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари билан ўқувчи ёшлар учрашувлари ташкил этилади, маърифий-бадиий кечалар, хайрия тadbирлари ўтказилади. Хойларда байрам муносабати билан дастурхонлар ёзилади.

Умумтаълим мактаблари ва коллеж ҳамда лицейлар ўқув дастурларида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган махсус машғулотлар киритилади. Байрам кўнлари барча мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларининг «Хотира майдони» мажмуасига зиёрати ташкил этилади. Хотира ва Қадрлаш куні байрамини кўпроқ ёшларни жалб этишни олдимишга мақсад қилиб қўйилган. Шунингдек, 9 май куні барча туманлар вакиллари ташкилий равишда Хотира майдонини зиёрат қилишиб, «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбар қўйишади. Байрам муносабати билан «Нуроний» шифохонаси ва оромгоҳидаги фахрийлар, ҳарбий госпиталларда даволанувчилар ҳолидан хабар олинади, ҳомий ташкилотлар томонидан уларга байрам дастурхони ёзилади. Шаҳар касабга уюшмаси томонидан ўнлаб фахрийларимизга сикатгоҳ ва дам олиш масканларига имтиёзли йўлланмалар берилади. Темирйўллар тарихи давлат музейида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирокчида байрам тadbирларидан бири бўлиб ўта-

ди. Байрам барча корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда кенг тусда нишонланиши кўзда тутилган.

— Маълумки, Тошкент меҳр-оқибат ва соҳават шаҳри ҳисобланади. Демокримани, Хотира ва Қадрлаш куні байрами муносабати билан шаҳарда меҳр-муруват тadbирлари ўтказиладими?

— Саволингиз ўринли. Ўрта Осиёнинг ташаббуси билан кам таъминланган оилаларга ҳамда муҳтож кишиларга муруват қўраш яхши бир анъанага айланиб қолди. Халқимиз маънавиятида кишиларга меҳр-муруват қўраш эзгу, азиздан миллий қадриятларимизнинг ажралмас бир бўлаги сифатида гавдаланиб келаётганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш мақсадга молик деб ўйлайман. Хотира ва Қадрлаш куні байрами доирасида шаҳарда кенг қамровли хайрия ва муруват тadbирлари ўтказилади.

Жумладан, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими байрам кўнлари ҳомий ташкилотлар ёрдамида 2500 иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва қатогон қўрбонлари оилаларига 5 млн. сўмлик моддий ёрдам қўрашади. «Нуроний» шифохонасида 250 нафар уруш қатнашчилари учун байрам дастурхони ва концерт дастури ташкил этилади. «Қамолот» жамғармасининг шаҳар бўлими уйда ёлғиз ўтирган уруш қатнашчилари ва ноғиронлари ҳолидан хабар олиб, уларга моддий ёрдам қўраш ишлари режалаштириб қўйган. Байрам тadbирлари доирасида шаҳар «Нуроний» жамғармаси уруш ва меҳнат фахрийларининг Самарқанд вилоятидаги Ал-Бухорий мажмуасига зиёратини уюштиради.

Барча туман ҳокимликлари томонидан шаҳардаги мавжуд 445 та маҳаллада 9 минг нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун байрам дастурхони ёзилиб, қимматбаҳо совғалар тақдим этилади.

Шаҳар касабга уюшмалари кенгаши 3100 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва қатогон қўрбонлари оилаларига сикатгоҳ, дам олиш уйлари ва соғломлаштириш масканларида даволанишлари ҳамда маданий ҳордиқ чиқаришлари учун 68 млн. сўмлик имтиёзли йўлланмалар ажратади.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган 9 минг нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларининг ҳар бирига 1000 сўмдан моддий ёрдам қўрастилади. Бу муруват «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг шаҳар ва туман бўлимидаги томонидан амалга оширилади. Шунингдек, жисмоний ҳолати ёмон бўлган қатнашчиларга фахрийларга Қизил Ярим Ой жамғармасининг шаҳар бўлими орқали 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 100 минг сўмлик кийим-кечак топширилади. 150 ёлғиз фахрий диагностика тиббий қўригидан ўтказилади.

Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири бирон бир уруш қатнашчиси, меҳнат фахрийси, Ватан озодлиги йўлида шахид кетганлар оиласи, ёрдамга муҳтож ва ёлғиз қариялар ҳамда кам таъминланган оилаларни байрам муносабати билан қўрашганидан меҳр-муруват ва соҳаватдан четда қолдирмаслик ҳамда ўтиб кетган аждодларимиз хотираларини эслаш, эъзозлаш ва уларга эҳтиром қўрашганидан иборат.

Ўрни келганда ўшбу тadbирларни ташкил этишда шаҳар корхона ва идоралари, жамоат ташкилотлари, жамғармалари ҳамда ҳомий ташкилотлари, ишбилармон тadbиркорлар беғариз катта ёрдам бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтгим келади.

Хотира — энг муқаддас туйғу. Бу туйғу кишиларни тоту-

лиққа, имонига ва эътиқоди бўлишга, Ватани янада севишга ва қадрлашга, қолаверас узоқлини англашга ундайди. Аминмани, бу борада олиб бораётган ишларимиз самарасиз қолмайди.

Суҳбатдош Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги
Матбуот гурӯҳи масъул котиби.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгашининг
ҚАРОРИИккинчи чақириқ Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлисининг иккинчи
сессиясини чақириш тўғрисидаЎзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 2000 йил 25 май куні Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 25 апрель.

Олий Мажлис иккинчи сессияси муҳокамага қўйиладиган масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2004 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ҳамда 2000 йил биринчи чора-гидаги ижроси тўғрисида.

3. «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

4. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

5. «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

6. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).

7. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).

8. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).

9. «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

Ўшбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамага Олий Мажлис ваколат доирасида қирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНАБАЛЛАДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов бошқарди. Кенгаш иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди, шунингдек Олий Мажлис хузуридаги Амадаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтининг 1999 йилги иши тўғрисидаги ҳисоботни ва Олий Мажлис Кенгаши ўз ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқди.

◆ Республика парламентида талабалар ва ўқувчилар билан навбатдаги анъанавий учрашув ўтказилди. Бу гал учрашувда Тошкент Давлат иқтисодий университетини хузуридаги гимназия ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (омбудсман) С. Рашидова билан учрашди ва суҳбатлашди.

◆ Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Россиянинг «Ист Лайн» авиакомпанияси ўртасида ҳаво транспорти соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги битим имзоланди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хай-ати мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар «қуруқ таҳлил этилди ва бундан буюн баҳарлиги лозим бўлган вазифалар белгилан олди.

◆ Тошкентда «Пахтабанк» акционерлик-тижорат банки акциядорларининг умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ «Наманганёмо» акциядорлик жамиятида Франциядан келтирилган ўсимлик ёғини қўйиб берадиган янги линия фойдаланишга топширилди.

◆ Кеча Ибн Сино халқаро жамғармаси томонидан Акмал Икромов туманидаги 193-ўрта мактабда «Соғлом турмуш тарзи — соғлом авлод гарови» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

◆ Бугун Жиззахда мини-футбол бўйича Ўзбекистон Касабга уюшмалари Федерацияси Кенгашининг соврини учун ўсимлар ўртасидаги турнир бошланди.

◆ Хоразмда Ўзбекистон ёшларининг мумтоз мусиқа бўйича фестивали бўлди.

ЖАҲОНДА

◆ Алматы шаҳрида Евроосий иқтисодий саммити очилди. Ўшбу халқаро конференция Бутунжаҳон Давос форуми шафелиги остида бизнес ва иқтисодийнинг ривожлантириш муаммолари юзасидан ўтказилмоқда.

◆ Фаластин раҳбари Ёсир Арофат Миср Президенти Хусни Муборак билан учрашди. Ўшбу учрашувда Фаластин раҳбарининг АҚШга ташрифидан сўнг Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнининг истиқболдаги ривож масалалари муҳокама қилинди.

◆ Кеча Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ва Россия махсус хизматлари ва миллий хавфсизлик вазирликлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда халқаро терроризмга қарши курашдаги сав-ҳаракатларни қучайтириш муаммолари муҳокама қилинди.

◆ Бугун Дарқадда таълим бўйича Бутунжаҳон форуми ўз ишини бошлади.

◆ Ўртага Туркияда мамлакат Президенти сайловлари бўйича овоз беришнинг биринчи босқичи бўлиб ўтиши керак.

◆ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги шартноманинг амал қилинишини қўриб чиқиш бўйича олтинчи халқаро конференция ўз ишини бошлади.

◆ Эфиопия ўзининг Берлиндаги элчисини чақириб олди.

◆ Кеча Москвада Россия ва Беларус иттифоқи Вазирлар Кенгашининг биринчи мажлиси очилди. Унда икки давлатнинг биргаликдаги бюджетни тасдиқланди.

◆ Эрон ҳукумати ислом дини ва ислом инқилоби руҳи-га зид бўлган мақоалар чоп этгани учун мамлакатдаги 12 газета ва журналлар фаолиятини тўхтатиб қўйди.

◆ Бугун Киевда 14 йил муқаддам рўй берган Чернобыль атом электр станциясидаги фожиа оқибатида ҳалок бўлганларнинг хотирасига бағишланган митинг бўлиб ўтди.

◆ Алматида уруш ва тинчлик Британия институтининг бўлими очилди.

◆ Грузия Президенти Э. Шеварднадзе мамлакатга келган Европадаги Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеясининг раиси Х. Дайн билан музокаралар олиб борди.

◆ Хиндистон Бош вазири Атал Бихари Важапай мамлакат халқини қучли қурғоқчиликни бошдан кечираётган Ражастон, Гуҷарат каби шатлар аҳолисида қандайдаси даъват этди.

◆ Белград қўчасида Югославия Президенти С. Милошевичнинг яқин сафдошларидан бири — миллий авиакомпания директори Ж. Петкович отиб ташланди.

◆ Сўнгги уч йил ичида Сомали жанубида юзга яқин киши вабодан вафот этди.

◆ Аргентинанинг уч вилоятда зилзила содир бўлди. Силкиниш қучи 5,5 баллни ташкил этди. Мамлакат фуқаро муҳофазаси қучлари вакилларининг айтишича, ўшбу табиий офат оқибатида вайронгарчилик ва қурбонлар бўлмаган.

◆ Бугун Чилида собиқ ҳукмдор А. Пиночетни судга берилган барча имтиёزلардан маҳрум қилиш бўйича суд жараёни бошланади. Бу нарсга генерални суд жавобгарлигига тўртишга олиб келади.

◆ Пекин шаҳар прокуратурасининг қўрсатмаси билан Хитой жамоатчилик хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ли Цзичжоу қамолқа олинди. У порахўрликда ҳамда ийрик контрабанда операцияларини амалга оширишга ҳомийлик қилишда айбланмоқда.

Теннис

«ТОШКЕНТ ОУПЕН» — ЮЛДУЗЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Кейинги пайтларда мамлакатимизда теннисни ривожлантиришга қўрсатилётган эътибор ўзининг ижобий меваларини бермоқда. Айниқса аёллар тенниси борасида эришяётган ютуқларимиз салмоқлидир. Ҳусусан, Ирода Тўлаганованинг Англия очик чемпионатининг ёшлар ўртасида ғолиб бўлиши бутун жаҳондаги теннис иштибоқларини дол қолдирди. Хозир Ироданинг ортидан В. Лепченко, К. Далахуаева, Л. Франгулан каби қўлаб ёш иктидорлар етишиб чиқмоқда. Бундай ютуқлар ортда эса кўп жihatдан шахримизда аёллар ўртасида аввал Челленжер, икки йилдан бери эса мақоми ортиб «Тошкент ОУПЕН» номини олган халқаро теннис мусобақаларининг зўр муваффақият билан ўтказиб қилинаётганини қўришимиз мумкин.

Илгари хабар берганимиздек, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановнинг қарорига мувофиқ шу йилнинг 10 июндан 18 июнгача шахримизда «Тошкент ОУПЕН» халқаро теннис мусобақалари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан

ташкилий қўмита ҳам тузилди, ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Тошкент ОУПЕН» халқаро теннис мусобақасини ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг би-


ринчи ўринбосари Аҳмажон Миржалилов олиб борди.

Йиғилишда асосан ташкилий масалалар қўрилиб, тегишли ташкилотлар амалга оширадиган вазифалар белгилан олди, мусобақага тайёргарлик қўришнинг бориши муҳокама этилди. Шунинг билан қу-

ки, турнир ғолиблари учун асосий совринлар «Совластитал» қўйма корхонаси томонидан тайёрланади, «Шарқ гули» ОТАЖ эса ўзига хос эсдалик совғаларини ишлайди. Мусобақалар бошланишидан олдин шахримиз туманларида қиз болалар ўртасида теннис баҳслари ўтказилиб, яқунловчи финал турнири «Тошкент ОУПЕН» мусобақалари давомида бўлади. Шунингдек, аёллар ўртасида VIP турнирини ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Энг муҳими, ташкилий қўмита ўз ишини фол бошида бўлорди ва қатнашчилар ҳамда иштирокчиларнинг улкан теннис байрамининг гувоҳи бўлишлари учун барча имкониятларни ишга солади.

(Ўз мухбиримиз).



Лак-бўёқ миниатюралар устаси Шухрат Зоиров ўз хунари билан тобора машҳур бўлмоқда.

Танишинг: олимпиадачиларимиз

РУСЛАН ЮҚОРИ
ЧЎҚҚИГА ИНТИЛМОҚДА

◆ Руслан ХИНЧАГОВ — эркин кураш бўйича Ўзбекистон тарма жамоасининг аъзоси. 76 килограммга бўлган вазнда беллашади. 1970 йилда туғилган. «Динамо» жамиятида шугулланади. Республикада хизмат қўрашган спорт устаси. Республиканинг тўрт қарра чемпиони. 1996 ва 1999 йилларда Осиё чемпиони бўлган. 1996 йили жаҳон Кубогини қўлга киритган. 1993 ва 1995 йилларда — жаҳон чемпионатининг бронза нишонларининг соҳиби бўлган. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги Кубоги соҳиби.

Руслан Хинчаговнинг Сидней олимпиадасига йўлдан олиши хийла мураккаб кечди. Гап шундаки, мавжуд қондага кўра курашчи э ҳақон чемпионатида саккизинчи ўрингача бўлган натижага қўрашчи, ёхуд олимпиадага саралаш турнирларида маълум микдордаги рейтинг очколарини қўлга киритиши керак. Руслан Минскада ўтказилган баҳсларда иккинчи, Германиядаги турнирда учинчи, Мисрдаги нуфузли мусобақаларда

эса ғолибликни қўлга киритган ҳолда кераклик рейтинг очколарини жамғариб бундан бир ой муқаддам олимпиадада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Тарма жамоасининг энг тажрибали ва номдор курашчиси ҳисобланмиш Руслан Хинчагов мана 17 йилдирки спортнинг ўшбу турига ошно. Атланта олимпиадаси иштирокчиси. Шу қўлабда Хитойда ўтаётган Осиё чемпионатида иштирок этмоқда ва учинчи бор қўйганинг энг

қучли курашчиси номига сазовор бўлиши учун барча имкониятларга эга.

— Кетма-кет тўртта нуфузли мусобақаларда қатнашганимиз сабабиди ҳозир кўчаларимни тўлаш жарабиданам. Аста-секин кераклик спорт формасига тушялман. Осиё чемпионатидан сўнг май ойида Алустада ва июнь ойида Красноярскда ўтказилган мусобақалар, ўқув-машг йиғинларда қатнашиб сентабрий ойида жаҳон спорт формасида

бўлишга ҳаракат қилияман.

Олимпиада ўйинларида Бувайса Сайтёв (Россия), Александр Лапышев (Германия), шунингдек Жанубий Корея ва АҚШлик қучли рақиблар билан беллашишга тўғри келади. Мақсадим — олимпиада чемпиони бўлиш, жуда бўлмаганда — совриндорлар сафига кириш учун бор қучмаҳоратимни сарфлайман. Албатта, бунда кўп нарсга қўлаб бўйича қайси спортчил билан курашимизга ҳам боғлиқ бўлади.

Мустақиллик йилларида маҳаллага бўлган эътибор ошиб, унга бир канча ваколатлар ҳам берилди. 1991 йили биргина Тошкентнинг ўзида 130 та маҳалла мавжуд бўлган бўлса, ўтган давр мобайнида яна 300 дан ортиги ташкил этилди. 8 йил ичида жамиятимиз асосини ташкил этувчи маҳаллаларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Гадоёбоев билан суҳбатимиз ҳам жамиятимизда маҳалланинг тобора ошиб бораётган ўрни тўғрисида бўлди.

— Тошкент шаҳрида ҳозирги кунга келиб 445 та маҳалла ташкил топган. Бу маҳаллалар ўз ҳуқуқий ҳужжатларига эга. Банкда ҳисоб рақамлари бор. Ундан ташқари давлат ва ҳокимият органларининг айрим ваколатлари ҳозир маҳаллаларга ишониб топширилди. Жумладан, 1994 йили кам таъминланган оилаларга нафақа беришни, 1996 йилда ёлғиз қарияларимизга ёрдам кўрсатиш маҳаллалар зиммасига топширилди. 2 ёшгача бола тарбияси билан шуғулланадиган оналаримизга нафақа бериш ҳам ҳозир маҳаллаларимиз зиммасида. Охириги пайтда коммунал хизмат учун тўловлар билан ҳам маҳаллалар шуғулланадиган бўлиб қолди. Бу нима учун? Чунки халқнинг дардини, аҳолининг камчилигини, яшаш шaroитини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган ташкилот йўқ. Қадимидан маҳалла оқсоқоллари энг обрўли одамлар бўлишган. Маҳалладагиларнинг дардига қулоқ соладиган маҳалла оқсоқоли бўлган. Иккинчидан, маҳалла адолат мезонини ушлаб туради. Чунки, маҳалла ўз фуқаросининг қандай ишашини яхши билади. Кимнинг шароити оғир, кимга ёрдам кўрсатиш керак, мана шу соҳада маҳаллага бўлган эътибор ниятда кучайиб борди.

Яна бир нарсани таъкидлашимиз керакки, маҳалланинг асосий вазифаси кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш эмас, балки унинг олдида биринчи навбатда таълим-тарбия ишлари туради. Маҳаллаларда тинчлик, оқсоқолини сақлаш, ёшларимизга таълим-тарбия бериш, қийналган оилаларимизга яқиндан ёрдам кўрсатиш, маҳаллаларни ободонлаштириш ҳозирги кундаги энг

қаватли уйларида яшовчилар ҳамто ўз маҳаллаларининг номини ҳам билшмасди. Ҳозир ҳамто ёш боладан ҳам сўрасангиз маҳалласининг номини айтиб беради. Маҳалланинг раиси ким, десангиз айтиб беради. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллага бўлган эътибор ниятда кучайиб борапти.

Ватан ичра Ватан МАҲАЛЛА — ОСОЙИШТАЛИК МАСКАНИ



долзарб юмушлардандир. Қадимий урф-одатларимизга назар солсак, бирор одам яхшиликка қўл уриб фарзандининг бошини иккита қилмоқчи бўлса, авваламбор маҳаллага мурожаат қилади. Чунки, маҳалла яхши кунимизда ҳам, ёмон кунимизда ҳам ёрдамга келади. Энг муҳими, шаҳримиз маҳаллалари оқсоқолларининг дунёқарши ниятда юқори, илми, халқларар қишлоқлардир. Дунёда бир қанча университетлар, институтлар бор. Лекин бизнинг республикамизда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ривожлантирган, охириги пайтда катта эътибор берилаётган институт — мана шу маҳалла тизимидир. Мана шундай маҳалла университет — ҳаёт мактаби ҳеч қерда йўқ. Бирон бир давлатда шу нарсаси эътиборга олинмаган. Илгари кўп

— Аъзамжон ака, бундан икки йил олдин Президентимизнинг тўйларини ва маросимларини ўтказишни тартибга солиш бўйича ниятда муҳим Фармони эълон қилинган. Лекин ҳаётда кузатсак, айрим жойларда ҳамон ортқча исрофгарчилик, дабдабозлик билан тўй ўтказадиганлар ҳам учрайди.

— Гапигиз тўғри. Президентимизнинг 1998 йил октябрь ойидаги Фармони жуда вақтида чиқди. Чунки, оёғи ердан узилган айрим мансабдор шахслар, ўзининг босар-тусари билмай қолган, ман-манликка берилиб тўйлар орқали ўз номини чиқармоқчи бўлганлар кўпайиб қолган эди. Мана шу дабдабозликка берилиб тўй қилаётганларнинг кўпини кўрганмиз. Дастурхонни яратсаю

казо-казо одамларни қақчириб, ўзини кўрсатса. Икки юз-юз килолаб гуруч дамлаш ёки бўлмаса катта-катта санаторларни навбатманавбат қўйиб, уларга пул қистиришлар жуда авжга чиқиб кетган эди. Лекин мана шу Фармон чиққандан кейин маҳаллаларимизда тўй комиссиялари тузилиб, уларнинг фаолиятини кучайтирдик. Жойларда тушунтириш ишларини олиб бордик. Назоратни кучайтирдик. Фуқаролар ўртасида, маҳалладошлар ўртасида йиғинлар ўтказиб отахонлар, онахонларимиздан илгари тўйларимиз қандай ўтгани, ҳозир қандай ўтказилиши кераклиги ҳақида маслаҳатлар сўрадик. Айниқса, ФХДларда кўплаб енгил машиналарнинг қўчаларни тўсиб юришига барҳам бердик. Охириги пайтларда тўйларимиз у ёқда турсин, маъракаларимизнинг ҳам тўйдан фарқи қолмаган эди.

— Умуман, маъракада катта ош дамлаб бўладими? Киши тўйларда хурсандчилик билан маҳалладошларига, элга ош беради. Энди отаси ёки онаси вафот этса-да, ҳалиги бойвачча хурсанд бўлгандек ош берса... Бу ҳудди марҳумнинг номини, ёдини ерга ургандек бўлади.

— Тўғри айтдингиз, Президентимизнинг Фармони айни вақтида чиқди. Бунақалар бугунги кунда жуда кам учрайди. Кўпчилик жойларда тўйларимиз ҳозир қариндош-уруғлар билан, дўстлар билан ўтказилмоқда. Маъракалар масаласига келсак, кўп жойларда қозонларда ош дамланса-да, аксарият маросимга келувчиларнинг ўзлари ўтиб кетган марҳумни танишмайдилар. Ўғли фалон жойда ишласа ёки таниш-билиш бўлса келишади. Жанозага, фотиҳага келишмайдилар, ош берганда келишади. Шунга ҳайрон қолсан киши.

Энди ҳозир буларга анча чек қўйилди. Чунки, маъракалар, тўйлар ҳам анча тартибга тушиб қолди ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Бунда табиийки оқсоқолилик масканлари бўлган маҳаллаларнинг ўрни ва масъулияти салмоқли бўлиб қолаверади.

Суҳбатдош
Султонмурод УМАРОВ.

Банкротлик

КОРХОНА ИҚТИСОДИ НЕГА НОЧОР?

Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги «Банкротлик ва санация» масалалари бўйича комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Раҳимжон Розмуҳамедов олиб борди.

Мажлисда асосий эътибор дебитор ва кредитор қарзлари бўлган, тобора банкротликка айланиб бораётган корхоналарнинг масалалари кўрилди. Ҳудди шундай аҳволдаги 20 та корхонанинг раҳбарлари ва ҳисобчилари мажлисга таклиф этилиб, иқтисодий инкисорга юз тутилишининг аниқ сабаблари кўриб чиқилди, айримларига маълум вақтгача аҳолини яхшилаш, имкон қадар фаолиятини довом эттириш учун қисқа муддатли муҳлат берилди.

«Ўзвототранстеҳника», «Темирйўлтамбир», «Герметик», «Агротамбир», «Ўзметаллсавдо», «Савдо-энерг» акционерлик жамиятларидаги ва яна бир қанча йирик корхоналардаги аҳвол анча ачинарлидир. Шу боис уларга энг узоқ муддат уч ойлик муҳлат билан иқтисодий аҳволни ўз ҳолига келтириш, бюджет ва ойлик маош ҳисобиди, солиқ тўловлари микдорини тўлаб қўйишлари шарт эканлиги ўқтирилди.

Шаҳар ҳўжалик суди вакили И.Тоҳиевнинг берган ахборотида банкрот деб эълон қилинган корхоналарнинг айримлари ҳали-ҳануз тугатилиб, қонуний ҳужжатлаштирилмай, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганлигини таъкидлади. Мана шундай корхоналардан 22 таси 1999 йил ҳисобидан аллақачон тугатилиши ва тегишли чоралар кўрилиши керак эди. Бироқ турли хил сабабларнинг рўқач қилиниши оқибатида мазкур йилнинг биринчи чоралиқига бу ҳолат қўзилиб келинаётди.

Иқтисоди ночор корхоналарнинг молиявий аҳвали ва корхона вакиллари тафсилотидан сўнг комиссия аъзолари банкротлик ва санация ишлари бажармасига ва иқтисодий масалалар бўйича туман ҳокими ўринбосарларига банкротга юз тутаётган корхоналар боҳридан ўтиш, санация олиш мумкин бўлган корхоналарга санация бериш, тугатилиши лозим бўлганларини тугатиш ва бошқа иқтисодий масалаларга жиддий ёндашиш кераклиги ҳақидаги вазифалар юкланди.

Гулзода МАМБЕТОВА.



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Туфтин» ўзбекистон қўшама корхонасида маҳсулот турларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратишмоқда.
СУРАТДА: янги дастгоҳлар билан жиҳозланган қадоклаш цехи ишчиси Сурайё Мавлонова жамоа ютуғига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.
Сергей Любич олган сурат.

Раҳбарлик фазилатлари:

уларни қандай шакллантириш керак?

ВАҚТ — ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Раҳбарлик, иш бошқаришда, умуман менежментда вақт танқислиги ҳамisha сезилиб туради. Шу туфайли раҳбарлар кўпинча ишдан кейин қолиб ёки дам олиш кўнлари ҳам келиб ишлашга мажбур бўлишади. Бажариладиган иш ҳамининг халдан ташқари кўпчилигидан ҳам кўпинча раҳбарнинг юки оғир бўлади. Бироқ, факат ишнинг кўпчилигини раҳбарнинг ишда кўп вақт ўтлаб қолганига сабаб бўлади, дейиш ҳам тўғри бўлмасди.

Хўш, унда гап нимада? Асосан вақтни тўғри тақсимлашни билмаслик раҳбарнинг ишини «кўпайтиради». Бундай вазиятда ўз вақтини бошқаришни, бошқача қилиб айтганимиз бўлсақ ўз-ўзини бошқаришни билиб олиш фоят муҳим аҳамиятга эга. Вақт танқислиги ва ундан унумли фойдалана олмаслиқнинг сирлари нимада?

Маълум бўлишича, кўп ҳолларда бунинг сабаби бир вақтнинг ўзида турли ишларни бажариш ва турли харақатлар қилиш билан боғлиқ экан. Қўйидаги учта бошқа сабаб вақт тизилигининг янада кескинлашуви олиб келади:

— масъулиятни бошқаларга ҳам тақсимлаш даражасининг пастлиги;

— устувор ишларни тўғри танлаш билмаслиги;

— қўндалик икки-чиркларга ҳаддан ташқари қўндалиб кетганлиги.

Иш вақтидан унумли фойдаланиб бўладими ўзи? Албатта. Бунинг жуда кўп омиллари мавжуд. Масалан, АҚШ олимлари, давлат арбоблари фойдаланган ва фойдаланиб келадиган тамойиллардан баъзиларини келтириш мумкин:

— америкалик олим Парето тамойили. Унга асосан менежернинг ўз куч-интилишларини ҳаётини муҳим ишларда жамлаши амалда пировард натижа тақдирини тўла ҳал этади;

— АҚШ собик президенти Эйзенхауэр тамойили: муҳимлиги ва муддатига қараб устувор вазифаларни белгилаб олиш. Эйзенхауэр вазифаларини уларнинг муҳимлиги ва шўшилини бажарилишига қараб ажратиб олиш билан шартли равишда А, В, С деб аташ мумкин бўлган қўйидаги вазифаларни алоҳида ажратганди:

А-вазифалар: зудлик билан бажарилиши лозим бўлган жуда муҳим ва шўшилини ишлар;

В-вазифалар: муҳим, аммо шўшилини бўлмаган ишлар — уларни қачон бажариш муддатини белгилаб олиш керак бўлади;

С-вазифалар: муҳимлиги жиҳатдан иккинчи даражада, аммо шўшилини ишлар — уларни қўл остидаги ҳодимлар зиммасига юклаш керак.

Ундалик муҳим бўлмаган ва шўшилини бўлмаган ишлар раҳбар диққатини қалитмаслигини керак. Зеро, унинг иш столи шўндай ҳам қозғаларга қўмилиб кетган бўлади. Базида бу муойян таваккалчиликни талаб қилади. Лекин шўнга қарамай, шу мазмундаги ишларни кечиктирмай қозғалар ташланганидан саватта итқилиниши лозим.

Менежер учун энг катта ҳавф шўндаки, у вазифаларнинг шўшилиничилигига қараб, икки-чиркларга ўралашиб қолади ҳамда В-вазифалар (баъзан ҳатто А-вазифалар) бажаришмай қолавергани ҳолда С-вазифаларга бор вақтини сарфлаб қўйди. Шўндан келиб чиққан ҳолда менежернинг ўз олдига турган вазифаларини пухта таҳлил этиши уларнинг устуворларини аниқлаб олиш учун ишончли асос бўлади, дейиш мумкин.

Энди навбатдаги — 9-вазифани ёдингизга солашим:

1. Сизнинг фикрингизча тадбиркор, менежер ўз иш вақтидан самарали фойдаланиш учун қандай чоралар кўриши мумкин?

2. Ўзбекистон шароитида Парето ва Эйзенхауэр тамойилларини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсизми?

3. Раҳбар иш вақтини тўғри тақсимлашини сиз қўллаётган қайси усулларини айтиб беришни истардингиз?

Саволларимизга жавобларингизни таҳририятимизга йўллагингиз ва бунда «Раҳбарлик фазилатлари: уларни қандай шакллантириш керак?» руқни учун деган белги қўйишни унутмаслигингизни сўраймиз.

Маиший хизмат

ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Кимёвий тозалаш нукталарининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасидаги ўрни-нинг нечоқлик катта эканини таъкидлаб ўтишга ҳолат бўлмаса керак.

Ушбу зарур маиший хизмат муаммоларини тезроқ ва яхшироқ ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимидаги тадбиркорлар ушбу мақсадларга энг яхши замонавий хорижий асбоб-ускуналар ва технологияларни жалб этган ҳолда кимёвий тозалаш корхоналари фаолиятини тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда энг замонавий Италия анжомлари ва технологиялари билан жиҳозланган «Лавандерия» кимёвий тозалаш фабрикасининг республикамизда илк бор фаолият бошлаши фикримиз далилидир. Энг муҳими, ушбу корхона юқори даражадаги жаҳон андозалари йўналишида ишламоқда ва аҳоли ўртасида ўринли ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

Сиз бу ерга хоҳлаган кийимингизни — жун ва сунъий мўйнали костюм ёки пальтонингизни, тери, замш, табиий ва сунъий матолардан тикилган ҳоҳлаган қўйлак, куртка, плашчингизни бемалол келти-

ришингиз мумкин. Ва ҳозирча бошқа кимёвий тозалаш корхоналарида бажариш мумкин бўлмаган юмуш — бутун қонун-қоидалари билан чарм буюмларини тозалаш ва унга ишлов бериш юзасидан булуртмангизни «Лавандерия»да тез ва сифатли адо этишади. Зеро, бу ерда ушбу мақсадлар учун махсус асбоб-ускуналар ўрнатилган бўлиб, буюмининг дастлабки хусусиятларини тикловчи кимёвий воситалар мавжуд.

Чарм кўртангиз узоқ фойдаланиш натижасида оқариб кетган бўлса, бу ҳам муаммо эмас. Бу ерда уни нафақат тозалайдилар, бўяйдилар, балки кичик таъмир талаб этилса — бичиш, тикиш ишларини ҳам бажарайдилар. Сиз ҳам кимёвий тозалаш корхонаси, ҳам тикувчилик ательесига бориб сарсон бўлмайсиз. Яъни, кийим-кечак ва буюмларингизни буткул янгилаш — янги салонинг иш-лаш тамойили ана шундан иборат.

Бу ерда қўйлакларни ювиш, дазмоллаш, икки соат ичида жуда тез тозалаш каби қўшимча хизматлар ҳам кўрсатилади. Михозларнинг



уйи, иш жойига бориб хизмат кўрсатиш жорий этилган, йирик фирмаларга махсус дастур бўйича катта чегирмалар билан кимёвий тозалаш юмушлари таклиф этилади. Энг муҳими, ушбу кимёвий тозалаш корхонасида нархлар ҳам юқори эмас. Улар хизматлар сифатига мос келади. Нархлар кийимнинг ифлосланганлиги ҳолати ва буюртманинг бажарилиш муддатига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Шўни айтиш керакки, тезкор хизмат кўрсатиш кимёвий тозалаш фабрикаси асосий иш усулларида бирдир. Буюртмаларни энг узоқ бажариш муддати — 48 соати ташкил этади. Агарда тоза кийим ўша кўни керак бўлса-чи? Сизнинг хоҳишингизга кўра уни уч, ҳатто бир соат ичида ҳам тозалаб беришади. Кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг сифатли бажарилишига ҳалал бериши мумкин бўлган омиллар тўғрисида микозларни маълумотлар билан таъминлаш ишга бу ерда катта аҳамият қаратилади.

«Лавандерия» кимёвий тозалаш корхонаси «Ўзбекис-тон» маиший хизмат уйининг биринчи қаватида жойлашган. Бу ҳам шахримиз учун янгиликдир. Зеро, илгарила-ри бундай корхоналарнинг турли ноҳус хидлар тарат-

ни, зарарли ажратмалари бўлгани учун алоҳида қўри-лиши тақозо этиларди. Янги салонда бундай ҳолатларга асло дуч келмайси.

Энди икки оғиз сўз «Лавандерия»нинг техник жиҳатдан жиҳозланиши ва техно-логик имкониятлари тўғрисида. Бу ерга Италиянинг «Martini S.p.A» фирмасининг энг замонавий кимёвий тозалаш машиналари ўрнатилган. Унинг атрофида эса доғ кет-казувчи стол, пресс, пароманекен, дазмолловчи даст-гоҳ каби ёрдамчи анжомлар мавжуд. Ушбу замонавий тех-никанинг ўзига хос ютуқли томонлари шўндаки, унга 20 дастурли компьютер ўрнати-лган бўлиб кийимнинг тури, ифлосланиш даражаси, тола-ларнинг таркибидан келиб чиққан ҳолда тозалаш жа-раёнининг энг мақбул режими-ни, айрим буюмлар учун эса ўзига хос тозалаш режимини танлайди.

Янги кимёвий тозалаш нуктасининг ўзига хос яна бир жиҳати шўндан иборат-ки, у артабалик соат саккиз-дан кечки соат саккизгача ишлайди. Ишни эса юқори малакали усталар жуда си-фатли даражада адо этиша-ди. Зеро, улар танлов асо-сида танланган, италиялик-лардан машиналарда ишлаш сирларини икки ҳафта даво-

мида ўрганишган ва кийим-кечакларга ишлов бериш технологиясини пухта ўзлаштиришган.

«Лавандерия» кимёвий тозалаш фабрикасининг директори Нелли Гаджие-ваннинг айтишича, корхона нафақат кўрсатиладиган хизмат турлари, балки унинг ҳудудини ҳам кенгай-тиришни режалаштирмоқ-да. Яқин фурсатда аҳоли қўлайлиги йўлида шахри-мизнинг турли туманлари-да қабул бўладиган очилиб, у ердан кийим-кечаклар бош фабрикага келтирилади. Асбоб-анжом ва кимё-вий тозалаш воситаларини етказиб берувчи Италия фирмалари раҳбарияти би-лан бундай фабрикаларни Самарқанд, Бухоро, Хива ва Буюк ипак йўлида жойлаш-ган республикамизнинг бо-шқа йирик шаҳарларида ташкил этиш мақсадида уларнинг Тошкентда вакил-ликларини очиб тўғрисида келишув мавжуд. Бу эса республикамизда аҳолига қўлай маиший хизмат тури-нинг кўпайиши демакдир.

Аҳад МИНГУЛОВ,
Дипломи ИСРОИЛОВ.
СУРАТЛАРДА: «Лаван-дерия» кимёвий тозалаш фабрикасида.



Яқинда Акмал Икромов ту-манидаги 297-мактабда дав-ра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир туман халқ таълими бўлимига қарашли Ташхис маркази ҳамкорлигида ташкил қилинди. Унда Тошкент Дав-лат иқтисодий университетининг иқтисодий психология ка-федраси доценти, психология фанлари номзоди Феруза Ак-рамова, Ташхис маркази ши-фокори Нигора Шамсиевалар 8-11-синф қизлари билан «Ба-логат ёшидаги қизларнинг ру-хий хусусиятлари», «Қизлар ва севги», «Никох олди омила-ри» ва бошқа мавзуларда қиз-ларли суҳбат олиб бориб, қиз-ларни қизиқтирган саволлар-га тўлиқ жавоб бердилар.

СУРАТЛАРДА: (чапда) Таш-хис маркази шифокори Н. Шамсиева ва (ўнгда) психоло-гия фанлари номзоди Ф. Ак-рамова давра суҳбати чоғида.

Равил Алябков олган суратлар.



Боши газетанинг 46,47-сонларида).

Афғонистонга кетган, номи зикр этилган кимсалар чет эллик ҳомийларнинг моддий ва маънавий кўмагига таяниб, 1996 йил бошида Покистон «Хезби ҳақикати» клерикал ташкилотининг фаол аъзolari билан Т. Йўлдошев бошичилигида «Ўзбекистон Исламий Уйғонмиш партияси» (УИУП) ташкилотини ташкил қилди. Ҳозирда бу жиноий уюшма «Ўзбекистон Исламий ҳақикати» деб юритилмоқда. Маслаҳатлари билан биргаликда у собиқ Қўқон хонлиги ҳудудиди Тожикистоннинг Ашт ва Исфара туманлари, Қирғизистоннинг Ўш вилояти, кейинчалик эса бутун Фарғона vodiysini қамраб олувчи ислом давлатини («Қўқон Жамоҳирияси») ташкил қилиш дастурини ишлаб чиқди.

УИУП негизини Тоҳир Йўлдошев ва Жумабой Намангоний жангарилари ташкил қилдилар. УИУПнинг гарбий қисмларида мисрлик, мурданилик, суданлик ва покистонлик чет эл ёлланма аскарлари ҳам бор эди.

Покистон ва Афғонистон ҳудудиди жангари-террористларни тайёрловчи бир қатор лагерлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 3 ойдан 6 ойгача давом этайдиган таълим Покистон Ислам Республикаси, Афғонистон Ислам Давлати ва бир қанча араб мамлакатларидан келган мутахассислар томонидан ўзбек ва тожик тилларида олиб борилади. Жангарилар ўқитиш тайёргарлигини ўқитиб, кўпуровчи-террорчилик ҳаракатларини олиб бориш ҳамда портлаш мосламаларини ясаш, заҳар тайёрлаш усуллари ва улардан фойдаланиш йўллари ўрганадилар. Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Иордания ва бошқа мамлакатлардаги ислом диний марказлари миссионерлари томонидан ниятда кучли гонимий таъсир кўрсатиш доирасида бўлади.

Шунингдек, УИУП вакиллари халқаро террористик ташкилотларнинг бошқа мамлакатлардан келган жангариларини тайёрлаш учун мулкчан лагерларда ҳам таълим оладилар. Шундай лагерлардан бири «Ал-Фору» бўлиб, Афғон — Покистон чегараси яқинидаги Хост туманининг тоғ дарадасида жойлашган. Маъмур лагери 80-йиллар бошида экстремистларнинг таълим хомийси Усама Бен Ладен маблаглари хисобига афғон муқошиларини тайёрлаш учун барпо этилган эди. Хост туманида ҳудуд шундай бўлиб, 1- ва Бадир-2 лагерлари жойлашган бўлиб, уларда 1997 йилдан турли экстремистик гуруҳлар учун кўпуровчи-террористларни тайёрлаш қайта тикланган.

1997 йил бошида Усама Бен Ладен Қўқон вилоятидаги Хонобод яқинида Марказий Осиё давлатларидан келган ислом жангариларини тайёрлаш бўйича янги ўқув мар-

кази очишни тақдир қилди.

Ҳўш, Усама Бен Ладен ким ўзи? У Саудия Арабистони Қироллигининг энг бой хонадонларидан бирида таваллуд толган (хонадон бойлиги 5 млрд. АҚШ доллари атрофида баҳоланади), ёши 40ларда. Бен Ладен 1979 йил Саудия университетини тугатган. Ўқиб даврида даёқ гонимий муштараклигига асосда «Муслмон биродарлари» халқаро террористик ташкилотини вакиллари билан тил топишган. Афғон муқошиларига ёрдам кўрсатишда фаол қатнашган. Форс кўрғазини мамлакатларида араблардан аскар ёллаш ва Афғонистонга жўнатиш марказлари тармоғини ташкил қилган (ёлланма аскарларнинг йўл харажатлари ва «хизмат ҳақлари» У. Бен Ладеннинг шахсий маблаглари билан тўланган эди). 80-йилларда Покистонда

барча муқоши кучларни Ўзбекистондаги маъжуд конституциявий тузумга қарши кураш байроғи остида бирлаштириш режаларини тузиб, УИУП вакиллари билан ўз фаолиятини мувофиқлаштиради.

Қўқон шаҳрида УИХ ваколатхонасининг фаолият юритиши, шу ернинг ўзиде Т. Йўлдошевнинг шахсий ўйи борлиги, унинг шахсий резиденцияси ва УИХ қароргоҳининг Қўқонда жойлашгани, толиблар билан ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилганини кўрсатади.

Т. Йўлдошев Покистонда ҳам тез-тез меҳмон бўлиб туради. У мамлакат ҳудудиде эмин-эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлган ҳолда, Халқабод ва Пешовар шаҳарларида Покистон ҳукумати томонидан ўқотар қурол олиб юриш ҳуқуқи берилган жангарилар қўқонлиқларига эга. 1998 йил баҳорда Т. Йўлдошев Саудия Арабистониде бўлган. Жилда, Макка, Мадина ва Тоиф шаҳарларида ўзбеклар билан улардан молиявий ёрдам олиш ва Саудия Арабистони Қироллигиде доимий яшовчи ўзбек ешларини ўз сафига тортиш мақсадида учрашган. Ўшбу давлатда бўлган даврида «Ўзбекистон ислом ҳақикати» номида ҳукуматга қарши бўлган ҳужжатларни тарқатган.

Баъзи муслмон мамлакатларнинг маъсус хизматлари билан ҳамкорлиқда толиблар, муқошилар Т. Йўлдошевнинг жангариларига моддий ва молиявий ёрдам кўрсатиб туради.

Ҳозирги вақтда Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон чегаралари яқин ерларида Т. Йўлдошевнинг юқорида номи зикр этилган ҳамтовғи «Намангоний» бошчилигидаги УИХ қисмлари тўпланган. Ҳўжвек Жумабой Аҳмаджонович (Жумабой Намангоний, 30 ёшда) ўрта маълумоти Наманганда маъсус профессионал техника билим юртида олган. Армияга қақирлиб Афғонистонга жўнатишган. 1989 йили хизматдан бўшатилганде сўнг Наманган, Андижон, Душанбе шаҳарларидаги диний ҳужраларда ўқиган. 1992 йилдан бошлаб, Тожикистон Республикасидаги жанговар ҳаракатларда қуролли муқошилар томониде қатнашади. Ислам мурассазлигининг ашаддий тарафдори, ўта айёр, гайритабиий шафқатсиз кимса. Асосий ўзагини Ўзбекистоннинг шимолий вилоятлариде бўлиши ўзбеклар ва тожиклар ташкил этган «Наманган батальони»ни тузиб, раҳбарлик қилган. Асосий базаси Тохор вилоятида бўлиб, шахсий қароргоҳи Афғонистон Ислам Давлатининг Топуқон шаҳридадир. Хоит аҳоли пункти яқинида (Тожикистоннинг Тожиқобод ва Жирғатол туманлари чегарасида) «Намангоний»нинг жангарилари ҳарбий тайёргарлик машғулотларини ўтказидаган полигон жойлашган.

Одиль РАХМАТОВ.

(Давоми бори).

Анжуманлар**МУҲИМ МАВЗУДА**

Собир Раҳимов тумани ҳокимлигиде халқаро «Экосан» жамағармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ташаббуси билан «Соғлом муҳит — соғлом ақлод сароини» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Маъжур анжуманда туманининг халқ таълими, соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиология назорати муассасалари бошлиқлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари ва вакиллари қатнашдилар.

Анжуманни туман ҳокимининг ўринбосари А.А. Мўминов кириш сўзи билан очди. «Экосан» жамағармасининг Тошкент шаҳар бўлими бош директори Ш.Р. Иброҳимов шаҳардаги экологик вазиятни яхшилаш, бу борада «Экосан» жамағармасининг олиб бораётган ишлари, атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисида ўз фикрларини билдирди. Жўмладан, шўбу жамағарманинг оммавий шўбалиқда «Экосан» номи билан катта теракзор барпо этилди.

Шў билан бирга бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири — соғлом муҳитда, соғлом, барқамол авлодни вояга етказиш фақатгина мутасадди ташкилотлар эмас, балки ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро экологик маданиятини оқсатириган ҳолда биргалиқда ёндошиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар маъжур муаммо борасида атрафчилик тўғрисида ўтилди. Анжуманда туманининг 3 та йирик корхонаси «Экосан» жамағармасининг бирламчи ташкилоти аъзолигига қабул қилинди ва уларга гувоҳномалар топширилди. Жамағарма бўлими томонидан тумандаги Меҳрибонлик уйига, мактаб-интернати тарбияланувчиларининг соғлиқларини муҳофазалашлари учун хайрия ёрдами сифатида дори-дармонлар топширилди.

(Ўз муҳбиримиз).

Шарқ гурдоналари**ОЗ-ОЗ ЎРТАНИБ ДОМО БУЛАВ...**

● Уч нарса уч нарсада бўлмайди: садоқат лақмада, шафқат серғазабда, ҳалоллик очқўзда.

Байт:

Ғазабни сўндириши, гапни кам қилиши,

Яхши кишиларнинг эзгу хислати.

Нафсингдан ҳазар қил то имкони бор,

Очқўзинг дилида бўлмас ҳиммати.

● Ҳикмат. Очқўзи кишини тарбия қилмоқ ўз об-рўйини тўқмоқдир. Ундай киши ўзгалар яхшилик қилса ҳам ёмонлик қилмай қолмайди.

● Ҳикмат. Олийҳиммат киши гўёки Ҳумо кушидир. Паст ҳиммат киши мисоли қўзғун, ўлаксалар унинг улушидир.

Байт:

Ҳар кимсада бўлса ҳумодек ҳиммат,

Ҳар касасага ундай топилавер даво.

Ҳимматсизлар эрур мисоли қўзғун,

Ундай келур даво ўрнига вабо!

● Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстининг дўсти, душманнинг дўсти. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстининг душмани, душманининг дўсти.

Душманинга душман бўлади дўстинг,

Сўзлашмайди бўлиб мисоли аёғ.

Душманинга дўстлик айласа дўстинг.

Душмандир у отане бўлса ҳам зинҳор!

● Одамларга иззат қўзи билан боқмоқ ва раҳмат қўзи билан қарамоқ оқиллик ва донолик белгисидир.

Байт:

Яхши назар билан қара ҳар кимга,

Либоси чироили ё хушк дема.

● Ҳикмат. Уч хислатга эга бўлмоқ олий даражага етмоқдир. Биринчи, сенга ситам қилган кишини кечирмоқ. Иккинчи, сен учун қабиҳлик қилган кишини ёмонлашдан тилини тиймоқ. Учинчи, ёмонлик қилган кишига яхшилик қилмоқ.

Меҳрибон, гиначи душман дилини,

Тўлдирсанг бўлади сен эҳтиромга.

Овчини кўрғуну ибрат ол ундай,

Дон билан қушларни туширар домга!

● Бир ҳақимдан сўрадилар: «Қандай сафар энг узок сафардир?» Жавоб берди: «Содиқ дўстни қидириш сафари!»

● Бир ҳақимдан сўрадилар: «Ғариб ким?» Деди: «Дўстсиз киши!»

Байт:

Дўстлар бор кишилар эмасдир ғариб,

Ушдан юз фарсанг узок бўлса ҳам.

Ўз шаҳрида дўстсиз бўлсанлар ғариб,

Ундайлардан нафрат қилар эл ҳар дам.

● Бир ҳақимдан сўрадилар: «Энг содиқ дўстлар ким?» Жавоб берди: «Икки гавдада бир жонга эга кишилар!»

● Ҳикоят. Икки дўст ўзаро аччиқ-аччиқ гапириб, таъна тошини отар ва бир-бирига қаттиқ итоб қилар эдилар. Шў он улар ёнидан бир кекса ўтиб қолди ва деди: Гарчи шоир:

Дўстлар бир-бирдан ноз қилса арзир,

Аччиқ гапириш — дўстлик сайқали.

деган бўлса ҳам, бу сўзга учманг ва мағрурланмангки, аччиқ сўз жунунлик белгиси, жунунлик ҳусумат белгиси, ҳусумат адоват келтириб чиқарувдир. Душманлик мевасини берувчи дарахтни ўтқазилган нима фойда?! Шундай мақол бор: таъна ва итоб уқубат ва азоб белгисидир».

Байт:

Дилингда дўстингга муҳаббат бўлса,

Аччиқ гапирма қўнғил бузилар.

Ақсар вақт уланган дўстлиқнинг ипи,

Таънадан бошланиб, сўнгера узлар.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

● Ҳикоят. Ривоятлардан маълум бўлишича, ҳинд ҳақимларининг умри узок, ақли эса ўткир бўлади. Бунинг сабаби кам ёмонқандир. Улардан бири бодом мағзидан катта овқат емас ва бу ҳолни уч кунсиз тақорламас эди.

Қўзга:

Бир ҳақимдан эшитдимки, ўлиқдан,

Сўрса ўлмоқ учун сабаб не ҳар чоқ.

Ундай тўққиз ўлик жавоб беради,

Улам сабабидир қўн овқат емоқ.

● Эшитишимча, Афлотун ҳақим узок умр кўриб, хилватда ўтирди ва ҳар кун бир дирҳамдан ортиқ овқат емагани ҳолда фалак силларини очди.

Қўзга:

Афлотун қандайин чекди риёзат,

Ҳикмат саҳфасидан ўқидим бун.

Гардун силларини очди мардона,

Ижод бўлди ундай мусиқа фани.

● Бир китобда шундай ёзилган: «Агар оч юришга тоқат қилолмасанг, қорин ичини учга бўлиб, бирини таом билан тўлдир. Иккинчи қисмини эса сув билан тўлдир. Аммо учинчи қисмини эркин нафас олиб чиқариш учун қолдир!»

● Тиб китобиде келтиришларича, бадан саломатлигини сақлаш учун икки кунда уч бор таом емоқ керак. Биринчи кун эрталаб ва кечкурун, иккинчи кун қўёш тиккага келганда. Шундай қилганда киши миҳози соғлом бўлади.

Маснавий:

Эртанинг гинини ема, эй оқил,

Ўтган умр гинин есин, эй тоғил!

Маҳмуд ХАСАНИЙ таржималари.

Тарих ғилдираги ҳаракатининг ўз қонунини бор. Амо ҳотирининг мўъжиз ғилдираги неча йиллар муқаддам бўлиб ўтган ҳолатларни қайтадан гадидактириб, кўз олдиде янгитдан жонлантириши мумкин...

1942 йилнинг ҳудди баҳор кезлари... Тошкентнинг «Сирли масжиди» ёнида жойлашган 8-мактаб қоравули дарс тамом бўлганде дарак берувчи кўнгиракчи чалиб, синфимиз эшиги ёнидан ўтди. Одатда бундай пайтларда ўқувчи болалар дарҳол дафтар-китоб солинган «жилд»ларини олиб, кўча томон интилардилар. Бугун эса ўқувчимиз ҳам, ўқувчилар ҳам маюс, ҳозиргина мактабимиз яқинида жойлашган катта радиоканрайлари жангчилар фашист-босқинчилари билан олиб борилган қаттиқ жанглар ҳақидаги машум хабарни етказган эди...

Мен одатда ўқишдан сўнг синфдошларим билан бирга Лабзак кўчаси орқали уйга қайтардим. Бу гал бўлса дўстларим билан мактаб дарбозаси олдида хайрлашган-да, «Сирли масжид» ёнидан ўтиб, «Шахидон тепа» дея аталуви маҳалла томон равона бўйдим.

Ўша кун «Шахидон тепа» дафниясини ёнидан ўтиб борарканман, аллақандай йиғи овози қулғимга чалинди ва мен атрофга боқдим, аммо ҳеч ким кўрминмади. Ҳаёлимнинг ана ўша чопқир ғилдираги мўъжиза бўлиб ўтган жангларда ҳалок бўлганлар дафниясини томон олиб кетарди ва мен ичимда — йиғлаётган шахид кетган қипчоқ ёинки қоратетинлик жангчининг чиқаришган арвоҳи бўлса-я деб ўйлардим... Кўнгилимни қандайдир гамили, ташвишли ҳис-ҳаяжон босди, мен бу ердан тезроқ ўтиб, бунининг эшикларига интилдим ва олиб турган ана ўша симини тез-тез торта бошладим. Аммо Каромат бичининг одатдаги «хув, ҳозир»ларини негадир эшитилмади. Симини янада жадалроқ тортидим, ана ўша тут дарахтига осылган эски челақини шангир-шунгури кўчагача чиқа бошлади, аммо бунимлардан эса дарак йўқ... Ҳавотир ола бошладим, ахир отадан эрта етим қолган Сайфиддин исмли ўғилчалари уйда кунда кун бўлмайди, «ФЗУ» да ўқийди, буним эса ёлғизлар, у кишига бир нарса бўлиб қолмадимикан?!... Ичкаридан бирон-бир жонли садо чиқавермаган, деворга тирмашдим-да, сўнг ҳовлига сакраб тушдим ва «буви, буви» дея, қақирдим. Ҳеч ким овоз бермади; уйнинг ичига ҳам эздилик билан кирдим, у ерда ҳам ҳеч ким йўқ, қайтиб чиқдим ва яна ўша «Шахидон тепа» томондан йиғи овози эшитилди... Жиддийроқ қўлоқ бердим. Ҳа, бу бунимнинг овози эди, у киши негадир оқ тортиб йиғламоқ-

да эдилар. Нима бўлди экан, буним бекорга йиғлайдиган одам эмаслар-ку, сабр-тоқатлари метиндай...

Мен ҳовлининг орқа томонидеги пахса девордан ана ўша муқаддас тепалик томонга қараб олиб тушдим ва йиғи келаётган тарафга шошилиш билан интилдим. Каромат бичи «Шахидон тепа»га бағриларини бериб, ўпкаларини тутолмай йиғлаб ётардилар...

Буви, буним! Нима қилди? Туринг, нега бундай йиғлаясиз? Нима бўлди ўзи, айтқолинг?... Туринг, турақолинг!... Мен ахволларини кўриб, ўзим ҳам йиғлаб юбордим. Буним аста-секин ердан кўтарилдилар-да, ҳўрсиниб-ҳўрсиниб, ўнг қўллариде чангаллаб турган уч бурчакли кон-верт — «қора хат»ни менга кўрсатиб, йиғи аралаш, энтикиб-энтикиб

аэроплан учиб ўтиб қолса борми, ана ўша холсизланиб ётган аҳволда бўлсанам буним жонхалатда туриб, дераза томон судралиб бориб, осмонга жовдираб қарардилар ва — «Сайдаммин, Сайдумар ўлмаган, ана, улар ўз уйига қайтиб учиб келмоқда» дея қичқириб юборардилар ва ана ўша ҳавоий темир қўш қўздан гоийб бўлган, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, гирандалар ўлтирида аза тутиб айтган марсияни бутун вужудлари қуйиб айта бошлардилар:

Тун саҳар бедор ўлиб фарёди

қичқирди товуқ,

Ғунчадек уйғонмайин гул

баргини урди совуқ...

Шў аснода қуйиб, ўртаниб, бу волидаи муштира оламдан оқ тортиб, не-не армон-ла ўтиб кетди-лар...

Ҳа, тарих ғилдираги яна бир ўсмирлик чоғи хотира дафтаридан — яна бир унутилмас мунгли варақни жонлантириб, кўз ўнгимизда гавдалантириб, шаҳид кетганлар хотирасига бир шамчироқ ёқайлик...

Хотира ва қадрлаш кун олдидан**МЎЪЖИЗАВИЙ ҒИЛДИРАК**

дедилар: — «Сайдумар тоған урушда ўлибти, шахид бўлибти!.. Ҳа, мана бу тепалиқда ётганлардек шахид бўлибти!.. Вой дод, энди нима қиламан, навқиронимдан ажралиб қолавераманми!.. Каттаси-ку урушда йўқ бўлиб кетувди, энди бунини ҳам ёғий ўқи юлиб кетамиди?! Уруш деганини ўйлаб толганнинг уйи кўйсин, ёстиги қурсин!..

Бунимнинг дил-жигарлари йиғлавериб эзилди кетди. Мен ҳам у кишига қўшилиб роса йиғладим. Бу ахвол шом тушгунга қадр давом этди. Мен бунимнинг аста турғиздим-да қўйлақларидеги чангини қокдим, сўнг қўлтиқларига кириб, ўйлари томон аста-секин етакладим. Муштира она, уруш боис икки ал-помишдек фарзандидан айрилиб қолган буним гўё оёқларига гурзи — тош боғлагандек, зўрга-зўрга қадам ташлаб келардилар. У киши нимадандир хавотирлангандек бирдан тўхтадиларда, менга тикилиб боқиб, бошимни силадилар ва — «Сен ҳам йиғладингми? Бўлди, кўз ёшнинг арт, бўтам... мен ҳам энди йиғламайман... Ҳа, шундай одат бўлиб қолган, бу ердаги аёллар фарзанд доғиде қолиб, ўртаниб ёнсалар, секин мана шў «Шахидон тепа»га келиб, унга бағриларини бериб, тўйиб-тўйиб йиғлаб оладилар... Айниқса фарзандлари жасади қаерларда қолиб кетган, қайси юртларда қанфасиз қўйилган ўғилларнинг оналари шундай қиладилар...

Каромат бичи бунингдек ларзадан кейин қаддилари буткул эгиллиб, букчайиб қолдилар, эртасига эса сочлари бутунлай оқариб, оппоқ қировдек бўлиб қолди, ўнганмайдиган касалга дучор бўлиб қолдилар, рангларини ҳам унқиб кетди, ғам-андўз у кишини буткул енгиб қўйди. Мабодо, ҳовиллари устидан

Хонпошша — отин буним ҳам мўъжизадан анча бохабар, нуруний, хат-саводда қомил, «Себзор» даҳасида мактаб тутган, кўп ҳикоятю ривоятлардан, ғалат ҳоли-тақдирлардан бохабар момо эдилар. Хотиротнинг қажрафтор ғилдираги у кишидан эшитган яна бир ҳикоятни кўз ўнгимда жонлантириб, ҳаёлимни биринчи ҳажон муҳорибаси томон етаклади...

Подшо ҳукумати 1916 йилда, уруш туфайли, маҳаллий аҳолидан йиғитларни мардикорликка олиб, узок Сибирь қарағайзорларига «ишчи — батальон» сифатида жўнатишганда, улар орасида беш ойликки на келинчақ Дилоронинг ҳам Фазлиддин исми ёшгина умр йўлдоши бор эди. У меҳрига тўёмай, жўн-жўн йиғлаб, эрини кузатар экан, қўн-қўнлаётган йиғитлар ўтирган аравалар қўздан гоийб бўлгунга қадр ҳаёли оғиб, паршиш ҳолатда туриб қолди. Унинг кўз ўнгиде сира унутилмас бўлиб қолган никоҳ тўйи бамисоли жонлангандай бўлди. Ана, ҳовли уртасида лангиллаб ёниб турган катта тўнка атрофидан келин-кўёвини айлантормоқдалар... Чилдирма чалиб «ё-ё-ё» айтиб ўтаётган қўнлик бир аёлинин азгу тилак-ниятлари Дилоро қўлоқларида мангу ичиб қолган:

Кўш дами аста сўниб,

Оқшом қўнар, ё-ё-ё.

Тўйхонада оташ сочиб,

Гулаш ёнар, ё-ё-ё.

Оташ эмас, кўё тура

Юрак қўри, ё-ё-ё.

Келинчақнинг суйганига

Миллий истиқлолнинг бебаҳо шарофатларидан бири шундаки, халқимиз ўзининг англаш билан баробар, яна жаҳон аҳлига ўзининг, сўзла хислат-фазилатларини таъини сари юз бурди. Эндилдаки она Ватанимиз тарихи ва бугунги, миллатнинг мазий илдизлари ва ёғур истиқболи ҳақида жаҳон афкор оммаси кўпроқ оқиф то-паятти. Бу нарсаси, шаксиз ҳар бир ватан-дошимиз кўнглида гўрур-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Дастурхон — халқаро тил. У халқларнинг миллати ва иркидан, эътиқоди ва маслагидан қатъи назар бир дастурхон атрафида бошини қовуштиради, кўнглига меҳр-оқибат уруғларини экади. Шу жиҳатдан олганда Шарқ пазандаларининг жамоатчилик асосида «Таом» ассоциацияси ташкил топгани ҳам айна мундоо бўлди. Аслида у ҳам мустақиллик меваси. Унинг фаолияти республикамиз пазандаларининг фаолиятини, озиқ-овқат ва таомлар сифатини яхшилаш, умумий овқатланиш хизматини ривожлантириш, пазандаларнинг касб маҳоратини такомиллаштириш ва қобилиятини ошириш, қадимги миллий таомларни тиклаш ва такомиллаштириш, пазандалар санъатини ёритиш, жаҳон ошпазлар уюшмаси билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва камол топтиришга қаратилган.

— Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга, ҳамнафас иш юритишга интиляпти, — дейди «Таом» ассоциациясининг раиси Амирсайд Усмонхўжаев. — Бу, бажиз эмас. Негакки, қадимги қўлэмаларимизда нафақат табиий ва ижтимоий фанлар буйича,

Пазандачилигимиз эътирофи

ДАСТУРХОН — ХАЛҚАРО ТИЛ



шу билан баробар, Шарқдаги дастурхон ёзиш, меҳмон чорлаш ва меҳмоннавозлик маданияти буйича ҳам гоят қимматли манбалар, нодир маълумотлар сақланади. Улардаги ҳали кўпчиликка номаълум бўлиб келаётган фикрларни пазандаларимизга етказиш ҳамда амалий фаолиятларига тадбиқ этишда ассоциациямизнинг хизматлари самарали бўлмоқда. Хусусан, бугун дунёда «табобат шайх» номи билан доғруқ қозонган Абу Али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарига тановул маданияти ҳақида ҳам бебаҳо фикрлар айтилган. Шулардан бирида, «Дори-дармонга ружу қўйгандан кўра оқилона овқатланиш йўли билан ўзини даволанг. Тановул маданияти — бу қони шифо», дейилади. Ушбу фикрлар «Таом» ассоциациясининг бош широгига айланган.

Уюшма раиси А.Х.Усмонхўжаев яқинда Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтди. Америка Ку-

линария Институти (КИА) тақлифига биноан бир ой мобайнида мазкур илм даргоҳида маърузалар ўқиди. Америка кулинария конфедерацияси иш фаолияти билан яқиндан таниди. «Амирсайд Усмонхўжаевнинг институтида бўлиш ўзбек халқининг тарихи ва пазандачилик маданиятига бағишланган маърузалари, суҳбатлари бизда катта таассурот қолдиради, — деб ёзади ўзининг миннатдорчилик мактубида КИА вице-президенти Герольд О.Брайн. — А. Усмонхўжаев маърузаларидаги ўзбек пазандачилиги, хусусан палов, манти, лағмон ва бошқа миллий таомларнинг юзага келиши тарихи, Шарқ халқлари орасидаги кенг тарқалиши билан боғлиқ ривоятлар, ибратли ҳикоятлар талабаларимизга катта маънавий озиқа берди. Уларнинг фикр доираларини кенгайттирди. Кўнгилларида ўзбек ошпазлари ва қандолатчилиги анъаналарига нисбатан меҳр-ихлос туйғуларини уйғотди. Кўнгилларида ўчмас таассуротлар қолдирди.

Амирсайд Усмонхўжаевнинг Америка Кулинария институти ректори жаноб Фердинанд Г.Метц, Кулинария санъати факультети декани, жаноб Фритц Сенженшмидт, ташкилий ишлар директори Херс Егтингтон, КИА вице-президенти, жаноб Дуг Томпсон, талабаларга хизмат кўрсатиш директори, жаноб Рай Виллс ҳамда Умумжаҳон Кулинария уюшмалари ассоциациясининг доимий вакили билан ўтказган мулоқотлари ҳамжиҳатликдаги келгуси алоқаларимизни янада такомиллаштиришга қаратилган. А.Х. Усмонхўжаевнинг сайёҳаракатларида юқори баҳо берган ҳолда шу тахлит ҳамкорлик алоқалари янада кучайишидан ҳамisha умидворимиз. Зеро, булар ошпазлар ва қандолатчиларнинг касб малакаларини оширишдан ташқари яна Америка ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларини мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Нўмон РАХИМЖОНОВ.

ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛГАН



Ҳамза туманидаги мактаблар қонинда турли хилдаги тўғараклар фаолият кўрсатиб, ёшларнинг бўш вақтларини фойдаланган, ўтказиш учун кенг имкониятлар яратилган.

— Қўшимча техник-таълим мажмуимизда ўн турдаги тўғаракка 1400 дан ортиқ болалар қатнашди, — дейди мажмуа раҳбари Сайфиддин Юнусхўжаев. — Бунда кўпроқ болалар ракета ва авиа моделини ясаш тўғрисидаги қизиқишда. Шунинг учун ҳам тўғарак раҳбарлари Вячеслав Салахов ва Виктор Вербалар қизиқарили машғулот-

ларни олиб бориш билан бир қаторда, амалий чиқишлар, яъни асалган моделлар кўргазмасини ҳам ўтказиб туришда. Болаларнинг тўғаракка қатнашишлари, уларни ҳар томонлама идорқ этишга, ўйлашга, кўпроқ ўқишга ва қандайдир касбни эгаллаш учун ёшлардан ўрганиб, тажриба ортиштиришга ундайди.

Дилораб МҲМИНОВА.

СУРАТДА: авиамодел тўғаракнинг раҳбари Верб Виктор болалар билан амалий машғулот пайтида.

Сергей Любич олган сурат.

(Давоми. Боши 3-бетда).

Дилоро бирдан хўнграб йўлгаб юбораркан, оху-ноласининг алангаси миясига урди ва эс-хуш пардаси дарз кетиб, бўй-баста билан ерга йўқилди... Орадан бир йил ўтар-ўтмас Фазлиддин ўрмонзорда ҳалокатга учрагани ва фожияли ҳалок бўлгани ҳақида совуқ хабар келганда унинг ота-онаси эсидан озиб қолмаганди. Дилоро эса ҳам-андух ўтида ёниб, телбанамо бўлиб қолган. У ана ўша «Шахидон тала» ни бир томонидан ювиб, ўпириб оқиб келаётган, бу ерга яқин «Кайковус» номдаги тўлиб-тошиб оқадиган катта ариқ буйига тонг сахардан бориб олиб, ўқинч-армонларини хазин қўшиққа солиб, сувга айтаркан:

Ох Кайковус, Кайковус,
Эрим сендек шахид кетди.
Унга қилган тажовуви.
Мурод-максудада етди.
Эдим лобар, сўзла гул,
Еш умрини хазон етди.
Бўлди уни бева, тула,
Билмасмиз тақдир мени негити?..
Ёр қолдирган ҳомила.
Таскин берад деган эдим.
Дард-ла етмай қолма.
Тўғиб, яна заққум едим.
Гирён қўлим бўлиб,
Бор дилда шижан нихон.
Зора дейман шум хабар
Бўлиб чиқса бирт ёгон...

Тарих икки марабоба қайтарилди: бири фожия, бири эса фарс — масхара шаклида, дейишган экан до-нишмандлар. Буни қаранг-ки, Фазлиддин ва Дилоро воқеаси содири бўлган-нидан қарийб 75 йил кейин, «Кайковус» ариғи ёнидан ўтаётиб, мен шунга ўхшаб кетадиган бир воқеанинг ғувоҳи бўлдим. Бир пайтлар кўмчилар дастаси 3-4 метри кетмон билан кўм чиқарадиган қирғоқда соқлари тўзиган, ҳаёли ўта паршон, енгил-елпи қийинган ёшгина аёл ўтирдари. Унинг қўлида беш-олтита қизил гул, алланамалар деб гулни бирин-кетин сувга ташларди. Мен хайрон бўлдим ва навхўвон олдига аста-секин яқинлашдим ҳамда сўзларига қулоқ бердим. Эвоҳ, не кўз билан кўрай, не қулоқ билан эшитай-ки, қирғоқда ана ўша Дилоро тақдирига ўхшаш, аламу андух телбанамо қилиб қўйган бир қўнлик аёл ўтирдари ва «Кайковус»га қараб, дилларини эзиб юборадиган мана бу сўзларни айтарди:

Ох Кайковус, Кайковус,
Эрим жангда маҳв бўлди.
Висоламиз тўймаган
Нав-нихолдан чин сўлди.
Азиз юртдан йироқда
Ўқ тешди ёш кўксини.
Энди нур йўл қироқда,
Умрим ўтар ўқиниб.
Ҳайтидир зимистон,
Айрилиқда ўртандим.
Дилу жигар тўла қон,
Кетди жонга найвандим.
Янашса ҳақлиб-ку
У ҳам бошқалар каби.
Қамина бахтлибди-ку
Қўнғанда бөл ёр лаби...
Ох Кайковус, Кайковус,
Безнуҳлар маҳв бўлса
«Қаҳрамон» деб, мавж урдинг.
Незар солиди бошимга
Қирон келди ёрима,
Қоқди онда танларни!..
Кўз олдима Хонпошша — отин

бўвим ҳикоятдаги Дилоро яна гавдаланди. У энди она-заминидан узокларда, ўзга юрт жанг майдонидан кўксидан ўқ еб бегуноқ ўлган, жасади хатто темир тобутда ҳам Ватанига кириб келмай, «мусофирчилик»да абадий қолиб кетган, бемаҳал, қимларнингдир манфаати деб шахид бўлган эл ўғлонининг ёшгина бева қолган умр йўлдоши эди. Қажрафтор бу фалакнинг «ўйини»ни қарангки, гуё қалака — масхара қилгандек, бунинг ҳам ҳомиласини эрта махв этди, навхўл онанинг ҳаётига бешафқатлик гармисели яна бир бор ҳужум қилди, битмас-туғанмас гафу андухларга мубтало этди, хатто севгилисидан ёдгор бўлиб қолиши мумкин бўлган якяю ягона севинч, таскин тимсолини ҳам бемуруват адои томон қилди. Шундан сўнг у ердаги мўмин-мусулмонларнинг айтишича, бу навхўвон телбаваш бўлиб қолган, ҳар кун тонг отганида у ҳам худди ана ўша Дилоро каби «Кайковус» бўйига югуради (ривоятга кўра Кайковус ҳам шахид бўлган экан), ҳам-аламларини, армону ўқинчларини сувга айтиб, оқизмоқчи бўлади, гоҳ маюс қўлайди, гоҳ телбаларча хахалаб қулиб юборади, гоҳ жигар селига айрилиқда вайрон бўлган юрак қонини омукта қилиб оху фарёд солади, гоҳ севгилисидан исмини айтиб,

ди. Афсус, Сирожиддин Тўраҳўжаевнинг умид гўнчалари энди ёзиллиб келаётганда уруш гармисели уни қуйдирди, инсонларга не-не баҳра берадиган қалб тилка-пора қилинди, матога бўёқлар суртиб, ажиб манзаралар кашф этиш ўрнига у ўз қони билан ерни бўяди, энг армонлики шуки — ўзгалар заминига қони тўқилди, ахнабей юртда жони сўқилди. Уни ҳам темир тобутда келтирдилар. Ўйдагиларнинг дили вайрон бўлди...

Бир кун мен Бўзсуддан ана ўша «Кайковус» ажралиб бошлайдиган жойдаги кўприқдан «Минор» қабригача томон ўтиб борарканман, ўғлидан айрилган қариндошимиз ўша муштилар она — Мунироҳон аяни учратиб қолдим. Унинг сочлари оппоқ оқариб кетган, соғлиги анча ёмонлашган, аҳоли мушкул, пешонасиди қат-қат излардан фарзанд доғининг сира ўчмас чизгилари яққол кўриниб, сезилиб турарди... «Ха, қаламли ука, яхши юриб-сизми?.. Мен унга салом бердим-да, дуруст, ёмон эмас дедим. У аста ўқ тортиб, хўрсиниб қўяркан деди — «ота-онамиз, жигарларимиз ушбу қабристонда, ётибдилар, улар ҳаққига бир тиловат қилиб, келаётиман... бечора болагинам, қарларда қолиб кетди, ўз хилхонамиздан ҳам унга бир парча ҳош насиб этмади» дея, яна бир чуқур ўқ тортиб қўйди.

Мен уни бу ахволда кўриб анча изтироб кечдим, ортиқча бирон-бир сўз дейишимни ҳам билмай қолдим.

Яқин ўтмишдаги мудиш сийёсат, манфур мафкура, диний маданияти

узок-узокларга қараб қичқиради...

Тўқсонга қирган бобонинг оҳ-воҳига наинки одамзот, хатто осмон ҳам чидаб туролмади, ёмғир ёғиб юборди, табиат ҳам шашқатор кўз ёш тўқди... Қайом танбурчи дарду аламини созга тўкиб солди, тиг теккан юрак пардаси сингари титраган торлар янгради, наъра тортиди, жигар хуни мунгли қуйлардан селдек оқди, «Сурнай навоси»нинг танбурда бунчалик таъсирчан янграганини мен эшитмаган эдим. Кўп ўтмай Қайом Шобаратов оламдан кўз юмди. Лекин мени ҳамон бир савол қийнаб келади — нима учун кекса танбурчи умрининг сўнгги пайтида, бошқа ердаги чойнонага эмас, ана ўша «Кайковус» бўйидаги чойхона сўрисига борган, басталган қуйини шахид кетган зурриётини хотирлаб, худди мана шу мазийдан силсила тортиб келаётган номдаги катта ариқ соҳилида чалган? Ё бу ерда қандайдир бир мўжиза, сир-синаот борми?.. Ахир у ҳам дарду армонларини «Кайковус»га тўкиб солмоқда-ку!..

Хўш, мана бу тақдирхолчи?.. У ҳам қандайдир бир сир-синаот эмасми? Тошкент театр ва рассомчилик қўлиб билимгоҳидан бир мўмин-қобил талабани ҳам ўша Афғонистондаги урушга олиб кетган эдилар; ушбу ёш иқтидор эгаси ҳам у ердаги жангда ҳалок бўлди. Унда аjoyиб қобилият, тангри берган илҳом — нафас бор эди. Орзу-умидлари ҳам ҳайрли — санъаткор бўлсам, одамларга нафосат улашсам, гўзаллиқни тараннум этсам, деган аjoyиб ниятларни дилига тугиб келар-

мизга қилинган тажовузулардан қутилиб, истиқлолий жараён боис қайтадан таъмир этилган «Тахтапал» мавзаси яқинидаги қўнча масжид ёнидан ўтиб борарканман, мезанадан суфи азонни атрофга таралди. Қандай аjoyиб дамларга етиб келдик, маънавий маданиятларимиз қайтадан тикланиб, яна кенг қўлдош бўлмоқда. Ахир бундан авваллари ушбу масжид аллақандай бир муассасага айлантирилиб, унинг ҳовлисиди мукдадас «Қоҳ-ота бузург» макбраси — унинг омборхонасига айлантириб қўйилганди... Ана ўша «Кайковус» ҳам қаровисиз, суви анча бўлган қолмоқда, атрофидаги бог-роғлар ҳам аста-секин йўқолиб бормоқда эди. Эндилда бу мавлуду масканларга нафосат шевалари қайтадан пайванд бўлмоқда. «Кайковус»дан юқорида «Бўзсуд» қирғоғига туташ ерда катта майдон очилиб, у ерда қатагон йилларда шахид бўлганлар ҳаққига бундан хотира ёдгорлик мажмуаси бўлиб этилмоқда. Ха, у ҳам мукдадас бир зейратгоҳга айланади, худди Мустақиллик майдонига туташ Хотира майдони, Мотамсаро она ҳайкали сифат...

Ха, азизлар, шундай. Тарих гилдирғи ҳаракатининг ўз қонунияти бор — у ҳамisha олдинга қараб айланаверади. Аммо хотиротнинг мўжизавий гилдирғи, неча йиллар мукдаддам бўлиб ўтган ҳодисаларни ҳаёлимизда қайтадан гавдалантириб, кўз олдимида янгитдан жонлантириши мумкин...

Бахриддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Баҳодир Собит номи «Тошкент оқшом» муштарийларига яхши таниш. Икки қондош ва жондош халқ — ўзбек ва қозоқ халқларининг борли-келлиси-га, дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамлашишига ўзининг нозик шешрия-ти билан хисса қўшиб келаётган, қорли чўққилари Қазигурт тоғларига қалар чўзилиб кетган Турбат қишлоғида таваллуд топган Баҳодир Собит Қозоғистон Республикасида ижол қиладиган истислодди ўзбек шоиридир. «Қалб армуғони», «Турбат тароналари», «Битмас жароҳат», «Турбатликларим» шешрий китобларининг муаллифи Баҳодир Собит «Тошкент оқшом» газетасида эълон қилинган «Ватан — саждагоҳ каби муқаллас» танловда фохри иккинчи ўрин соҳиби бўлиб, унинг «Оқшом» саҳифасида ёрилган «Мағрибу Маширриқа порлаган юлдуз» достони асосида Ўзбекистон телевидениеси ижолкорлари томонидан телефильм яратилган.

Кўнглида ўзи туғилиб ўсган заминнинг, уни вояга етказган элнинг қалри муқассам бўлган дилкаш инсон, қалб созлари доимо жарангдор шоир Баҳодир Собитнинг куйида оқшомхонлар эътиборига ҳавола этилаётган шешрлари унинг самимиятига яна бир бор ёрқин далилдор.

ЎЗБЕГИМ ТҲЙЛАЙДИ ҚАДИМ ТҲЙИНИ

Бир олам қўвончдан гўрсилар юрак,
Ўзбегим тўйлайди қадим тўйини.
Зилол чашмалардай мавж урғи тилак,
Мовий кенгликларга солар ўйини.

Қайққа қарама чақнаган қўзлар,
Шодлик ётдулари сепини ёр.
Мозийни тили бор, у бу кун сўзлар
Келажак уфқида умид, гошлар.

Шарқона удумнинг шоҳи белбоғи,
Ўзбекнинг белида зеб-олтин қамар.
Ангана байрами — халқим маёғи,
У боқий шувладор — шамсу ҳам қамар.

Раққоса синглимнинг бўю бастиди,
Қадим момоларнинг рақси намоди,
Ногора, доира зарби қасдида,
Юлдузин яширар заворли осмон.

Шоирлар ашвори безар байрамни,
Ошпаз таомида асрий бир лаззат.



ЯҚШАНБА, 30

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 «Қамалак». Болалар учун кинодастур.

9.00 Андижон вилояти хонандаларининг концерти.

9.20 Хотира ва Қадрлаш кунига. «Ўзбекистонда» намоиши.

9.45 «Германияда ўқиган эдилар».

9.45 «Ғаройибот».

10.00 «Ватанимизга хизмат қиларман».

11.00 «Билим-ринг».

11.40 «Талабалик йилларим».

12.00 «Янги тароналар», Мусикий-публицистик кўрсатув.

12.25 «Шоҳрух» клуби.

12.55 «Менинг маҳаллам».

13.15 «Нихон-2000». Ўзбекистон Олий ўқув юртлари театр танлов.

13.50 «Спорт» дастури:

13.50 «Қўнқоқ» дастури.

14.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбахор» — «Трактор». 2-тайм.

15.15 Кўнқоқ соанс: «Доктор Жеккил ва мистер Хайдинг».

15.50 «Лаззат».

«ОЙНАН МАҚОМ»ДА

ғаройиб саргузаштлари». Бадий фильм.

16.40 «Ҳиммат».

16.50 «Мозийдан бир мўжиза».

17.05 «Эвзоз». Мусикий дастур.

17.35 «Сехрли шувла».

17.55 «Олтин тоғ». Телевизион ўйини.

18.15 «Юки ерда қолмас элимнинг».

18.30 «Мусиқа бекати».

18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

18.55 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.

19.25 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.

19.30 «Тахлинома» (рус тилида).

20.05 «Санат олами».

20.20 «Олтин мерос».

20.30 «Тахлинома».

21.15 «Келин-куёв». Телешоу.

22.15 «Футбол шарҳи».

22.35 «ТВ-1 намоиш этиди: Телеанонс».

«Аср мўжизаси» кинодастури:

22.50 Кино янглиқликлари.

23.05 «Ўзбек киноси ижодкорлари».

23.25 ЎзТВ экранда биринчи марта. «Жаноб Хиндистон». Бадий фильм. 2-қисм.

00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Давр тоғи».

9.00 Кўрсатувлар дастури.

9.05 «Янги авлод»: «Катта танлафус», «Мультимош».

9.40 «Бизнес-доктор». 8-кўрсатув.

9.50 «Мусикий лаҳзалар».

10.20 «Ёшлар овози».

10.40 «Мени тўшун...» Телеўйини.

11.10 «Азизим».

11.30 Собир Мўминов қуйлайди.

11.50 «Лаззат».

12.10 «Экшолар».

12.15 «Ўғрини ушла». Телесериал.

13.00 «Бир пилла қол устиди».

13.20 «Ёшлик наволари».

13.35 «Ёшлар» телеканалда «Спорт-2000».

14.25 «Мусикий лаҳзалар».

14.35 «Маҳаллада дув-дув гап».

А.Абдорхўжаевнинг муаллифлик кўрсатуви.

15.15 Болалар учун мультфильм.

«Денгиз итлари». 2-қисм.

15.40 «Цирк, цирк, цирк!».

16.00 «Ёшлар» телеканалда «Спорт-2000».

16.50 «Сурур». Мусикий дастур.

17.00 Кўрсатувлар дастури.

17.05 «Янги авлод»: «Ўй вазифа», «Шум болалар».

18.05 «Яшанбада қўришғунча».

18.25 Саломхўддин Азизов қуйлайди.